



100084, Toshkent shahri, Yunusobod tumani,
Kichik xalqa yo`li – 4.
Tel.: 239-16-85
Faks: 150-62-99

100084, город Ташкент, Юнусабадский
район, Кичик халка йули – 4.
Тел.: 239-16-85
Факс: 150-62-99

ПРЕСС-РЕЛИЗ

19 сентябрь 2016 йил

Тошкент шаҳри

Сув ҳаёт манбаи. Сув инсон чанқогини қондириб, унинг ҳаётига тириклик бағишлайди. Лекин, табиат инъоми ёки ўзига хос инжиқликлари натижасида сув меъридан кўп бўлса сел, сув тошқинлари юзага келиб, жиловлаб бўлмас қудратли тўлқин инсоният бошига кулфатлар солиши мумкин. Шу боис, халқимизда сув балосидан асрасин деган нақл бор. Айни мақсадда, ҳар йили мамлакатимизда сел, сув тошқинлари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш борасида тадбирлар изчиллик билан ташкил этиб келинади.

Ҳаммамизга маълум-ки, Ўзбекистон Республикасининг географик-геологик жойлашуви ва иқлими билан ўзига хос сув хўжалиги ҳамда гидрометеорологик ва геологик хусусиятларига эга. Бундан кўриниб турибдики, республикамизнинг айрим вилоятлари ҳудудларида баҳор ва ёз ойларида сув тошқинлари, сел оқимлари ва кўчки ҳодисаларининг юзага келиши табиийдир.

Республикамиз ҳудудида юзага келиши мумкин бўлган бу каби фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, уларнинг профилактикасини ташкил этишга **Ҳукуматимиз** томонидан алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикасини Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг 2007 йил 19 февраль кундаги 585-сонли “Тошқин, сел, қор кўчишлари ва кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш чора - тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 21 январдаги 13-сонли, 2014 йил 29 майдаги 135-сонли қарорлари, Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси мажлисининг 2016 йил 25 февралдаги 1-сонли баёни талабларини бажариш мақсадида, бир қатор тадбирлар амалга оширилди.

Бунда, Давлат геология қўмитасининг Хавфли геологик жараёнларни кузатиш Давлат хизмати ва “Ўзгидромет” маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мутахассислари билан ҳамкорликда Тошкент, Наманган, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларининг баланд тоғли ҳудудларидаги қор қатламини ва сел оқимлари хавфи мавжуд ҳудудлар ўрганиш бўйича **7 маротаба** аэровизуал кузатув ишлари олиб борилди.

Фавқулодда вазиятлар ва бошқа тегишли соҳа мутахассислари томонидан гидрометеорологик ва геологик хавфли жараёнлар содир бўлиши мумкин бўлган ҳудудлар бирма-бир ўрганиб чиқилди.

Жорий йилда хавфли ҳудудларда **422** та хўжаликларда **2120** нафар фуқаро яшаётганлиги аниқланган (*сел, сув тошқини хавфи мавжуд ҳудудда 401 та ва кўчкига хавфли ҳудудларда 21 та*). Ушбу ҳудудлар соҳа мутахассислари томонидан доимий кузатувга олингани аҳолимиз муҳофазасини таъминлашда асосий омил бўлмоқда.

Баҳор мавсуми бошланиши билан **32** та хўжалик **206** нафар фуқароларни (Андижон вилоятидан **3** та хўжалик **23** нафар фуқаро, Қашқадарё вилоятидан **2** та хўжалик **10** нафар фуқаро, Самарқанд вилоятидан **10** та хўжалик **79** нафар фуқаро, Сурхондарё вилоятидан **11** та хўжалик **60** нафар фуқаро, Тошкент вилоятидан **4** та хўжалик **20** нафар фуқаро ва Фарғона вилоятидан **2** та хўжалик **14** нафар фуқаро) **вақтинчаликка** яшаш учун хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

Кўчки ҳудудларида истиқомат қилувчи Қашқадарё вилоятидан **3** та хўжалик **18** нафар фуқаро, Сурхондарё вилоятидан **1** та хўжалик **6** нафар фуқаро **доимий** яшаш учун хавфсиз ҳудудларга кўчирилди.

Шунингдек, Сирдарё вилоятидаги **15** та хўжалик **31** нафар фуқаро ва Фарғона вилоятидаги **49** та хўжалик **363** нафар фуқаролар реал хавф бўлганда кўчирилиши белгиланди.

Булардан ташқари:

сел, тошқинлар ва кўчки хавфи мавжуд ҳудудлардан аҳолини кўчирилишини ташкил этилди;

вақтинча кўчирилган аҳолини муддатидан олдин хавфли ҳудудларга қўймаслик мақсадида назорат-кузатув постларини ва огоҳлантирувчи белгиларни қўйилди;

жойларда ёғингарчиликларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш учун зарур бўлган ишчи кучи, машина-механизмлар тайёр ҳолда бўлишини таъминланди;

вилоят ички хабар бериш воситаларининг техник созлиги, шунингдек хизматлар ўртасида доимий алоқа ва ахборот алмашинувини таъминланди;

вилоятлар ҳудудларидаги мавжуд хавфли участкаларда ва сув хўжалиги объектларида раҳбар ходимларнинг туну-кун навбатчилиги ташкил қилинди.

Фавқулодда вазиятлар вазирлигида тегишли вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат идоралараро тезкор штаб ташкил этилди ҳамда вазирликнинг шахсий таркиби кучайтирилган режимда фаолият олиб борди.

Бундан ташқари, Тошкент вилоятига алоҳида эътибор қаратилиб, вилоятнинг барча туманларига Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ходимлари бириктирилди. Улар томонидан вилоятдаги мавжуд хавфли участкалари бирма-бир ўрганиб чиқилди ҳамда профилактика ва ҳимоя чора-тадбирлари ташкиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг ташаббуслари билан республикамизнинг **9** та (Андижон, Жиззах,

Қашқадарё, Навоий, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона) вилоятларига содир бўлиши мумкин бўлган сув тошқини ва сел оқимларини беталофат ўтказиб юбориш мақсадида 2012 йилдан қирғоқ мустаҳкамлаш ва бошқа ҳимоя ишлари ҳамда сув хўжалиги объектларининг мустаҳкамлигини ошириш учун давлат бюджетидан маблағ ажратила бошланди. Жумладан, 2012 йилда вилоятлар ҳокимликлари балансидаги дарё ва сойларда қирғоқ мустаҳкамлаш ишлари учун **6 млрд 710 млн 700 минг сўм** ажратилди, 2013 йилда вилоятлар балансидаги сув хўжаликларига **12 млрд сўмга** яқин маблағ ажратилди, 2014 йилда бу ишлар учун **13 млрд 780 млн 462 минг сўм** ажратилди, 2015 йилда бу ишлар учун **16 млрд сўмдан** зиёд маблағ ажратилди.

Жорий йилда эса дарё, сойлар ўзанлари ва қирғоқларида ҳамда гидротехника иншоотларида мухандислик-техник ва бошқа ҳимоя тадбирларини амалга ошириш учун Тошқинга қарши Ҳукумат комиссияси мажлисининг баёни билан **175** та объектга **50,5** млрд сўм маблағ ажратилди. *(Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига қарашли объектларга 27,5 млрд. сўм, 9 та вилоятлар ҳокимликлари балансидаги объектларга 22,9 млрд. сўм) ажратилди.*

Шунингдек, “Ўзавтойўл” АК, Ўзтрансгаз” АК ва “Ўзбекэнерго” АЖ нинг тасарруфидаги объектларни сел, сув тошқинидан ҳимоя қилиш учун ўз маблағлари ҳисобидан жами **17,5 млрд сўм** йўналтирилиши белгиланди.

Бугунги кунда мазкур объектларда мухандислик-техник тадбирларини олиб борилмоқда.

Бу каби тадбирлар изчиллик билан ташкил этилиб, табиий хусусиятли фавқулодда вазиятларни олдини олиш борсида кенг кўламли тадбирлар амалга оширилсада бир қатор камчиликларга дуч келмоқдамиз.

Хусусан, ҳозирга қадар Тошкент вилояти ҳудудида олиб борилаётган чора-тадбирлар ҳолати шуни кўрсатмоқда-ки мавжуд ирригация тармоқлари, улардаги иншоотларни таъмирлаш ишлари, каналларни ва ариқларни тозалаш ишлари бажарилмаган. Жойлардаги сув ўтказиш латоклари йиллар давомида йиғилиб қолган аҳлат ва лойлар билан тўлиб қолган. Бунинг оқибатида шаҳар ва қишлоқларимиздаги мактаблар, боғчалар, аҳоли уйлари, автомобил йўллари ва бошқа объектларни сув босиши ҳолатларига олиб келиши мумкинлигини алоҳида қайд этиш жоиз.

Юқорида таъкидлаб ўтилган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш учун жойлардаги раҳбарларни шахсан масъул эканликларини англаб етишлари, ва бу масалалар бугунги замон, керак бўлса бугунги кун талаби эканлигини билишлари зарур.

ФВВ Матбуот хизмати

МАТБУОТ АНЖУМАНИ ДАСТУРИ

- 10.30 – 11.00 Иштирокчиларни рўйхатга олиш
- 11.00 – 11.05 Кириш: Фуқаро муҳофазаси институти бошлиғининг биринчи ўринбосари полковник Тўрев Зафаржон Турсунпўлатович
- 11.05 – 11.25 ***“Мамлакатимизда сел-тошқин ва ер кўчки ҳодисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятлардан аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш борасида амалга оширилаётган тадбирлар”*** мавзусида маъруза.
Маърузачи: Аҳоли ва ҳудудларни муҳофаза қилиш бошқармаси катта офицери майор Жўраев Йўлдош Рахмонович
- 11.25 – 11.40 ***“2016 йилда Ўзбекистон Республикасида ер кўчкиси ва сел билан боғлиқ фавқулодда вазиятлар мониторинги ва прогнозлаш тартиблари”*** мавзусида маъруза.
Маърузачи: Фавқулодда вазиятларда бошқарув маркази мониторинг ва прогнозлаш хизмати бошлиғи майор Курбонов Бобомурод Юнусович
- 11.40 – 12.00 **Савол-жавоблар**
- 12.00 – 12.05 Матбуот анжуманини якунлаш.